



№3

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI



ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymurotov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)





Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug‘bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedراسi professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas‘ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali
23.11.2022-yildan

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №R-566966 reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

Litsenziya raqami: №049864




MUNDARIJA

1.	Шаисламова Наргиза Кабиловна	Тижорат банклари рискларини баҳолашда стресс-тест усулидан самарали фойдаланиш	7
2.	Ashurova Nargiza Chori qizi	O‘zbekiston turizm xizmatlari bozorida gastronomik turizmi rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari	19
3.	Mamatqulov Avazbek Axmadaliyevich	Oliy ta‘lim muassasalarida ichki audit tizimini raqamlashtirish mexanizimini takomillashtirish	24
4.	Sobirov Otabek Olimjonovich	Boshqaruv hisobini tashkil etishning konseptual asoslari	36
5.	Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Boqiyeva Zuhra Soxibjon qizi	Iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’siri	41
6.	Xalimov Shaxboz Xalimovich	Qishloq joylarida turizm xizmatlarini rivojlantirishning xorij tajribalari	48
7.	Kenjayev Ikrom Ergashboyevich	Hududlarda investitsiya mexanizmlarini takomillashtirishning institutsional va moliyaviy omillari	53
8.	Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Normatov Muslimbek No‘rbo‘ta o‘g‘li	Kredit riski	60
9.	Курбонов Саид Акбарович	АҚШ федерал резерв тизими (ФРТ) ва унинг иктисодиётга таъсири	67
10.	Bekmurodova Feruza Azamat kizi, Kadambaeva Charos Masharip kizi	Economic cooperation practices and development trends in Middle Eastern countries	73
11.	Mardonova Malika Asatilloevna	Xavfsiz turizm tushunchasining nazariy-uslubiy asoslari	80
12.	Alimov Baxodir Batirovich	Rivojlangan sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy holati va samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili	85
13.	Narziyev Abror Baxtiyorovich	Moliyaviy bozorlardagi volatillik dinamikasining GARCH modellari asosida empirik tahlili	95
14.	Xoldorova Kamola Jamoliddin qizi, Murodova Dilnoza Choriyevna	O‘zbekistonda tijorat banklarini transformatsiya qilishning dolzarb masalalari	106
15.	Юсупов Бехзод Юсуп угли	Финтех-ориентированная модель комплексной оценки кредитоспособности корпоративных клиентов и её влияние на эффективность банковских решений	112
16.	Ташбаева Рано Гайбуллаевна, Ташбаев Улугбек Ванситович	Цифровая оценка конкурентоспособности предприятий HoReCa на основе Open Data и онлайн-платформ (на примере г. Ташкента)	120
17.	Баракаев Отабек Отакулович	Ўзбекистонда аудиторлик хизматлар бозорининг 2020-2025 йилларга тахлили ва уни такомиллаштириш йўналишлари	127
18.	Muradov Botir Hayat	Yevropa iqtisodiyotining yashil transformatsiyasida iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq fizik va moliyaviy risklar tahlili	140
19.	Isroiljonov Murodil Qosimjon ugli	Household Consumption, Imports, and Gross Capital Formation in Uzbekistan: Evidence from an ARDL Model	148
20.	Чориева Нигина Қахрамановна	Классик иктисолий назариялар асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хусусиятлари	155





21.	Chintemirova Diyora Shuxrat qizi	Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari	160
22.	Artikov Ne'matulla Abdusalamovich	Soliqli daromadlar oshishida sheringning iqtisodiy imkoniyatlari	166
23.	Кузиева Динора Баходировна	Узоқ муддатли активларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш	173
24.	Умарова Гулзодахон Қодирбековна	Кичик бизнесни муқобил молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибалари	181
25.	Murtozayeva Zarnigor Komol qizi	Tashabbusli budget mablag'larini ijtimoiy ehtiyojlar asosida manzilli taqsimlash mexanizmlarini takomillashtirish	187
26.	Baytanov O'ralboy Miraqul o'g'li	Sanoat korxonalarida mahsulot sifatini boshqarishning zamonaviy metodologik yondashuvlari	193
27.	Mardonov Akromjon Nusrat ogli	The impact of fiscal policy on the national economy	201
28.	Ostonaqulov Dilshod Ismatilla o'g'li	O'zbekiston respublikasining aholi hayot sifati va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi bog'liqlikni statistik baholash	206
29.	Babaxanova Nozima Saidakbarovna	Milliy fond bozorida aksiyalarni ommaviy joylashtirish mexanizmlarini transformatsiya qilish yo'llari	213
30.	Tilabov Nasrulla Tashmuratovich	O'zbekistonda davlat qarz portfelini risk-diyagnostika asosida boshqarish metodologiyasini takomillashtirish	220
31.	Rahmonova Durdona Hasan kizi	Effective management of investment opportunities and regional economic diversification: evidence from the kashkadarya region	226
32.	Xamdamov Omonullo Ne'matullayevich	Kapital bozorida moliyaviy resurslar jalb qilishning xalqaro amaliyot tajribalari	233
33.	Achilov Dilshod Marufovich	Innovatsion faoliyatning moliyaviy ta'minot manbalari va ularni samarali boshqarish yo'llari	244
34.	Baratova Zumrat Xalmetjanovna	Innovatsion faoliyat bilan bog'liq moliyaviy risklarni boshqarish	253
35.	Mavlyanova Yulduzxon Turg'unovna	Moliyaviy resurslarni samarali boshqarishda ERP (Enterprise Resource Planning) mexanizmidan foydalanish istiqbollari	261
36.	Ishniyazov Otabek Baxodirovich	Bank faoliyatida risklarning turlari, ularni samarali boshqarish	268
37.	Baxriddinov Kamoliddin Baxriddin o'g'li	Aksiyadorlik jamiyatlarida investitsiyaviy qaror qabul qilish amaliyotining tahlili	275
38.	Qudratova Feruza Nasriddinovna	Financing decisions and value creation in an emerging economy: Evidence from the capital structure of Uzauto Motors	283
39.	Xasanov Komil Mutalibjanovich	Chiqindilarni boshqarishda yevropa ittifoqi tajribasi va uni o'zbekiston sharoitida qo'llash	591
40.	Orzukulova Zumrad Abdukhalik kizi, Azimova Nozimakhon Alisher kizi	Strategic brand management: review of keller's brand equity model and Aaker's brand identity system	297
41.	Ollokulova Feruza Mansurovna	Davlat xususiy sheriklik rivojlanishining xorij tajribasi va undan O'zbekiston amaliyotida foydalanish imkoniyatlari	302
42.	Umurzakova Dildora Sultonmaxmudovna	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ayollar bandligiga doir muammolarning asosiy yo'nalishlari	310
43.	Jo'rayeva Zarifa Bahodir qizi	Tijorat banklarida kredit xizmatlari amaliyotining dolzarb masalalari	317





44.	Tureev Azizbek Abatovich	Qoraqalpog‘iston Respublikasida mevachilik tarmog‘ini klasterlashning iqtisodiy samaradorligini baholash	324
45.	Mirzataev Muratbaevich	Salamat Ekologik muammolar sharoitida qishloq xo‘jaligi barqarorligini ta‘minlashda smart texnologiyalardan foydalanishning ilmiy-uslubiy asoslari	329
46.	Komekova Gulzira Sharbaevna	Raqamlashtirilgan logistika tizimlari asosida sabzavotchilik mahsulotlari bozorining samaradorligini oshirish yo‘llari	335
47.	Qidirmiyazov Sherniyazovich	Ajiniyaz Qoraqalpog‘iston Respublikasida qurilish sohasining rivojlanish holati va sun‘iy intelkt asosida xizmat kursatishni rivojlantirish istiqbollari	340
48.	Розиков Жалил Жалолович	Вопросы реформирование бухгалтерского учета в сельском хозяйстве	346
49.	Karimov Gapardjonovich	Eminjon Sanoat korxonalarida moliyaviy tahlil axborot tizimini takomillashtirish masalalari	351
50.	Toshev Nurbek Janon o‘g‘li	Qashqadaryo viloyatida turizm samaradorligi indeksi (TEI) asosida mintaqaviy turizm rivojlanishi dinamikasini baholash	359
51.	Kurbonova Malika Akhmad kizi	Comprehensive methodology for assessing the effectiveness of digital economy technology implementation in regional economic development	365
52.	Isakova Naima Ikromjonovna	Xizmat ko‘rsatish korxonalarida turizmni rivojlantirish uchun strategik marketing dasturini ishlab chiqish va uni takomillashtirish yo‘llari	371
53.	Sultanova Nigora Xikmatxo‘ja qizi	Xarajatlar hisobida ABC va BSC tizimlari integrativ tahlili	377
54.	Muminova Parvina Ilhom qizi	Bank majburiyatlari hisobi va ichki auditini takomillashtirish	383
55.	Abduraxmonova Alimov Baxodirovich	Munisa, Ulug‘bek Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish korxonalarida biznesni rivojlantirish tamoyillari va bosqichlari	389
56.	Axmedov Shoymurod Azamat o‘g‘li	Tijorat banklarida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini takomillashtirish yo‘llari	395
57.	Xamdamov Komilovich	Shavkat Aholini ijtimoiy himoyalash moliyaviy mexanizmi samaradorligini baholashning nazariy-metodologik asoslari	402
58.	Ruziyev G‘anisher Usarovich	Soliqlar vositasida tadbirkorlikni rivojlantirish va bandlikni ta‘minlash orqali daromadlarni oshirish hamda kambag‘allikni qisqartirish masalalari	411
59.	Atamuratova Muzafarovna	Gulrux Kichik biznes tizimlarining iqtisodiy mohiyati va ularni modellashtirish bo‘yicha zamonaviy xorij tajribasi	419
60.	Mirzayeva Charos G‘ayrat qizi	Savdo va xorijiy investitsiyalarning iqtisodiy o‘shisdagi o‘rni: Janubiy Koreya va O‘zbekiston misolida qiyosiy ekonometrik tahlil	424
61.	Toshpulatov Akromovich	Davron Islom moliyasida risklarni boshqarish	437
62.	Amir Xudaykulov	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq EBITda indikatorini hisobga olishning o‘ziga xos xususiyatlari	451





ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ 2020-2025 ЙИЛЛАРГА ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Баракаев Отабек Отакулович



*PhD, Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
Бухгалтерия ҳисоби методологияси
ва аудиторлик фаолиятини
тартибга солиш бошқармаси бошлиги
E-mail: Otabek.Barakayev@imv.uz*

Аннотация. Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Аудиторлик хизматлари бозорининг 2018-2025 йил яқунлари бўйича таҳлили. Жумладан, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони, аудиторлик ташкилотларининг кўрсатган хизматлари бўйича тушумлари динамикаси, кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик тегиширувларининг ҳудудлар бўйича улуши, аудиторларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, улар тўғрисида маълумот, аудиторларнинг жинси бўйича тақсимланиши, аудиторлик ташкилотларининг “ёши”, уларнинг халқаро тармоқларда қатнашиши, аудиторлик тегиширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши, берилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича таҳлилий маълумотлар ва шарҳлар келтирилган.

Калит сўзлар: аудиторлик ташкилоти, аудитор, аудиторлик тегишируви Реестр, сертификат, хулоса.

АНАЛИЗ РЫНКА АУДИТОРСКИХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ ЗА 2020–2025 ГОДЫ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Баракаев Отабек Отакулович

*PhD, Министерство экономики
и финансов Республики Узбекистан,
начальник Управления методологии
бухгалтерского учета и регулирования
аудиторской деятельности
E-mail: Otabek.Barakayev@imv.uz*

Аннотация. В статье рассмотрены действующие нормативно-правовые документы, регулирующие аудиторскую деятельность. Проведен анализ рынка аудиторских услуг по итогам 2018–2025 годов. В частности, представлены аналитические данные и комментарии о количестве аудиторских организаций и аудиторов, динамике доходов аудиторских организаций от оказанных услуг, доле аудиторских проверок в общем объеме оказанных услуг по регионам, распределении аудиторов по регионам, сведениях о них, распределении аудиторов по полу, «возрасте» аудиторских организаций, их участии в международных сетях, распределении хозяйствующих субъектов, прошедших аудиторскую проверку, по видам деятельности, а также анализ видов выданных аудиторских заключений.

Ключевые слова: аудиторская организация, аудитор, аудиторская проверка, Реестр, сертификат, заключение.





ANALYSIS OF THE AUDIT SERVICES MARKET IN UZBEKISTAN FOR 2020–2025 AND DIRECTIONS FOR ITS IMPROVEMENT

Barakayev Otabek Otakulovich

*PhD, Ministry of Economy and
Finance of the Republic of Uzbekistan,
Head of the Department for Accounting
Methodology and Regulation
of Auditing Activities*

E-mail: Otabek.Barakayev@imv.uz

Abstract. *Current regulatory and legal documents regulating audit activity. Analysis of Audit Services Market by Key Indicators 2018-2025 years. In particular, the number of audit organizations and auditors, the dynamics of audit organizations' income from the services provided, the share of audit inspections in the volume of services provided by regions, the distribution of auditors by region, information about them, the distribution of auditors by gender, the “age” of audit organizations, their participation in international networks, distribution of the economic entities that have been audited by types of activity, analytical data and interpretations on the types of audit report given.*

Key words: *audit organization, auditor, auditing, Register, certificate, report.*

Кириш

Республикамизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг институционал тизими шаклланимуда. Жумладан аудиторлик фаолиятининг норматив–ҳуқуқий асослари тўлиқ халқаро даражада қайта кўриб чиқилди ва бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳанинг қонунчилик базаси тизимлаштирилди ҳамда такомиллаштирилди. Соҳага доир сўнгги йилларда **2 та Қонун**, Ўзбекистон Республикаси **Президентининг 3 та қарори**, Вазирлар Маҳкамасининг **3 та қарори** ва бошқа бир қатор идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ва 2023 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” ЎРҚ-815-сон (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар) Қонунлари [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” [2], 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [3] ва 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ-282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари [4], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 аперлдаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” [5] ва 2022 йил 28 сентябрдаги 538-сон “Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” [6] ҳамда 2023 йил 15 августдаги 387-сон “Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлар шулар жумласидандир [7].

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, унинг институционал асосларини такомиллаштириш ва аудит сифати устидан самарали назоратни ташкил этиш масалалари сўнгги йилларда маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кенг тадқиқ





этилмоқда. Айниқса, молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлашда ташқи аудитнинг аҳамияти ортиб бораётгани мазкур соҳадаги илмий изланишларнинг долзарблигини янада кучайтирмоқда.

Маҳаллий олимлардан Р.Д. Дусмуратов аудитни молиявий назоратнинг мустақил шакли сифатида баҳолаб, унинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлиги ва қонунчиликка мувофиқлигини баҳолашдан иборат эканлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида аудит иқтисодий хавфларни камайтириш ва инвесторлар ишончини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, аудиторлик хизматларининг ривожланиши мамлакат молиявий тизимининг шаффофлигига бевосита таъсир кўрсатади [12].

О.О. Баракаев ўзининг илмий тадқиқотларида замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг стратегик аҳамиятини ёритиб, аудитнинг фақат текширув функцияси билан чекланмасдан, корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминловчи институционал механизм сифатида намоён бўлишини асослаб беради. Унинг таъкидлашича, аудитнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши миллий иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади [11].

Шунингдек, маҳаллий тадқиқотчилар аудиторлик хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, ташқи сифат назоратини кучайтириш ҳамда аудиторларни сертификатлаштириш тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт шароитида аудит соҳасига замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил воситаларини жорий этиш аудит сифати ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

Хорижий олимлардан А. Arens, R. Elder ва М. Beasley аудитни молиявий ахборотнинг ишончлилигини баҳолашга қаратилган мустақил касбий фаолият сифатида таърифлайди. Муаллифлар аудитнинг асосий мақсади манфаатдор фойдаланувчилар учун ишончли молиявий ахборот тақдим этиш эканлигини қайд этадилар. Шунингдек, улар аудиторлик хизматлари бозори ривожланиши бевосита корпоратив бошқарув сифати ва инвестицион муҳит билан боғлиқлигини асослайдилар [8].

J.R. Cohen, G. Krishnamoorthy ва А.М. Wright корпоратив бошқарув ва аудит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиб, самарали корпоратив бошқарув тизими аудит сифатига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, аудиторлик ташкилотларининг мустақиллиги ва касбий скептицизми молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга [9].

Юқоридаги илмий ёндашувлар ва назарий қарашлар шуни кўрсатадики, аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш нафақат қонунчилик базасини такомиллаштириш, балки аудит сифати, институционал муҳит, касбий малака ва рақамли технологияларни жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорининг 2020–2025 йиллардаги ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада аудит хизматлари бозори натижалари таҳлилинини амалга оширишда таққослама таҳлил, статистик таҳлил, қиёслаш, илмий абстракциялаш, анализ, синтез каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аудиторлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг **аудиторлик хизматлари бозорида** ҳам аудиторлик фаолиятининг субъектлари аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони ўсишида **ижобий ўзгаришлар** рўй бермоқда.






Республикада аудиторлик хизматлари бозорида ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2026 йилнинг 1-чорагида **аудиторлик ташкилотлари сони 176 та**, аудитор малака сертификатига эга **аудиторлар сони 1337 нафарни** ташкил этиб, 2025 йилнинг 1-чораги билан таққослаганда мос равишда 10 ва 9 фоиз ўсиш кузатилган (1-расм).

1-расм.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони*




*Муаллиф ишланмаси

Шунингдек, аудиторлик хизматлари бозорининг умумий тавсифига кўра, 2025 йил 31 декабрь ҳолатида **аудиторлик ташкилотларининг сони 2024 йилнинг 31 декабрига нисбатан 22 тага (14 фоиз) ошиб 175 тага, аудиторлар сони эса мос равишда 142 нафарга (12 фоиз) ошиб 1296 нафарга** етди (2-расм). Бундан 34 та маҳаллий аудиторлик ташкилотлари йирик халқаро тармоқ ва ассоциациялар аъзоси, **6 таси халқаро аудиторлик компанияларининг шўъба жамиятлари** фаолият олиб бормоқдалар.

2-расм.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони*



*Муаллиф ишланмаси

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан аудиторлик ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган санадан эътиборан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур талабга асосан, 2021 йилдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари Аудиторлик ташкилотларининг реестрига кириш орқали фаолият юритишни бошлади. Мазкур талабга мувофиқ 2021 йилнинг охирида 96 та аудиторлик ташкилотлари Реестрига кирган бўлса, 2026 йилнинг 1-чорагида





улар сони 80 тага ошиб, 176 тага етди. Аудиторлик малака сертификатиغا эга мутахассислар эса, 2021 йилда 651 нафарни ташкил этган бўлса, 2026 йилнинг 1-чорагида улар сони 686 нафарга кўпайиб, жами 1337 нафар малакали аудиторни ташкил этмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 августда 387-сонли қарори билан аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризаларни Давлат хизматлари марказлари ҳамда ЯИДХП орқали қабул қилинади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказишда ариза берувчиларнинг хоҳишига кўра аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризаларни композит тарзда ваколатли органга юбориш тизими йўлга қўйилди. Композит усул – давлат хизматидан фойдаланувчилар битта ариза орқали бир вақтда бир нечта давлат хизмати кўрсатилиши бўйича сўров юбориши ва хизматлар кўрсатилиши тушунилади.

Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматининг бепул кўрсатилади. Аудиторлик ташкилоти тугатилганда ёки унинг фаолият тури ўзгарганда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали ваколатли органга аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилиши бўйича автоматик тарзда хабарнома юборилади.

Бугунги кунга келиб аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризалари тўлиқ Давлат хизматлари марказлари ҳамда ЯИДХП орқали қабул қилиниб келинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда аудиторлик ташкилотларининг даромадлари бугунги кунда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сонига нисбатан юқори суръатлар билан ўсганлигини кўрсатади. Аудиторлик хизматлари бозорида аудиторлик ташкилотларининг 2025 йилги натижаларига мувофиқ жами даромадлари 785, 77 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 31 фоиз, 2020 йилга нисбатан 2,8 мартага ўсишга олиб келган (3-расм).

3-расм.

Аудиторлик ташкилотларининг кўрсатган хизматлари бўйича тушумлари динамикаси*



*Муаллиф ишланмаси


Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб турли кўрсаткичлар бўйича аудиторлик ташкилотларининг тақсимланиши таҳлил қилинганда, 2025 йилда аудиторлик ташкилотларининг умумий сонига нисбатан 39 фоизининг тушуми 200-700 млн сўм, 28 фоиз аудиторлик ташкилотларининг тушуми 1000 -5000 млн сўм миқдорида бўлган (4-расм).





4-расм.

Аудиторлик ташкилотларининг умумий сонидаги улуши, фоизда*




*Муаллиф ишланмаси

Кўрсатилган жами 785, 77 млрд сўм тушумдан 83 фоизига яқини 5 000 млн сўмдан ортиқ бўлган тушум ташкил этади (5-расм).

5-расм.

Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда*




*Муаллиф ишланмаси

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари таркиби аудиторлик ташкилотларининг жойлашган жойидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда 2025 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг улуши 75 фоизни, турдош хизматларнинг улуши 25 фоизни ташкил этган.

2025 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг улуши Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 100 фоизни ташкил этган. Турдош хизматлар асосан Тошкент вилоятида 69 фоиз кўрсатилган (6-расм).

6-расм.

2025 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг ҳудудлар бўйича улуши, фоизда





*Муаллиф ишланмаси

Аудиторлик фаолияти субъектларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши тақсимланишида аудиторлик ташкилотлари 2025 йил якуни бўйича Тошкент шаҳрида 73 фоиз ёки 128 та, қолган 27 фоиз ёки 48 та аудиторлик ташкилотлари Республиканинг бошқа ҳудудларида фаолият юритган (1-жадвал).

1-жадвал.


Аудиторлик фаолияти субъектларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Йил (якуни)	Республика бўйича – жами %	Тошкент	Бошқа ҳудудлар
2022	100	69	31
2023	100	72	28
2024	100	74	26
2025	100	73	27

Аудиторларнинг 2025 йилда ҳудудлар бўйича тақсимланишида, 1296 нафар аудитордан 957 нафари Тошкент шаҳрида бўлса, қолган 339 нафар аудитор бошқа ҳудудларда жойлашган (7-расм).

7-расм.

2025 йилда аудиторларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши диаграммаси




Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларининг сонининг ошиши билан уларнинг “ёши” ёшариб бормоқда. Жумладан, аудиторлик ташкилотларининг 2020 йилда 54 фоизга яқини 15 йилдан ортиқ хизмат қилган ташкилот бўлса, 2025 йил якунига кўра бир йилдан кам бўлганлар улуши эса 9 фоизга етган. (8-расм).

8-расм.

Аудиторлик ташкилотларининг “ёши” графиги

* аудиторлик фаолияти билан шугулланишининг йиллар сони 2001 йилдан бошлаб ҳисобланган



* аудиторлик фаолияти билан шугулланишининг йиллар сони 2001 йилдан бошлаб ҳисобланган





Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг халқаро тармоқлар ва ташкилотларга аъзо бўлиши ортиб бормоқда. Бунда жами 175 та аудиторлик ташкилотидан 34 та, 1296 нафар аудитордан 350 нафар аудитор халқаро тармоқларга кириб фаолият юритмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоқларда қатнашиши

Халқаро тармоқдаги аудиторлик ташкилотлари				2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
йиллар							
Халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотларининг умумий сонидаги улуши, фоизда	ташкилотлари	кирган умумий улуши, фоизда	аудиторлик ташкилотлари	19	20	18	19
Халқаро тармоққа кирган аудиторларнинг жами умумий аудиторлар сонидаги улуши, фоизда	ташкилотларида ишлаётган аудиторларнинг жами умумий аудиторлар сонидаги улуши, фоизда	кирган аудиторларнинг жами умумий аудиторлар сонидаги улуши, фоизда	аудиторлик ташкилотлари	26	28	26	27

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари асосида аудиторлар учун замонавий сертификатлаш тизимини жорий этиш, аудиторлик фаолияти сифатини ошириш ва соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аудитор малака сертификатини олиш жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, малака имтиҳонларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, баҳолаш тизимида инсон омилини камайтириш ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аудиторларнинг касбий билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида узлуксиз касбий таълим тизими такомиллаштирилмоқда. Бунда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS), халқаро аудит стандартлари (ISA) ва корпоратив бошқарув тамойилларини чуқур ўзлаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Аудиторларни сертификатлаш жараёнларида замонавий тест синовлари, кейс-стади усуллари ва амалий баҳолаш механизмларини қўллаш орқали мутахассисларнинг амалий компетенцияларини баҳолаш тизими кенгайтирилмоқда.

Аудиторларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган **бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхати** Вазирликнинг “Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги бўйруғи (р/р.: 3321, 29.09.2021 й.) тасдиқланган.

Бугунги кунда аудиторларни сертификатлаштириш Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиб келинмоқда ва бугунги кунга қадар жами **723 нафардан ортиқ** талабгорларга аудитор малака сертификати берилган.

Шунингдек, 1 296 нафар аудиторлар ўртасида 170 нафаридан **бухгалтерларнинг халқаро сертификати** (CIPA, ACCA, CPA) эга бўлганлар мавжуд (3-жадвал).

3-жадвал,


Аудиторлар тўғрисида маълумот

Даврлар	Аудиторлар, жами	бухгалтерларнинг халқаро сертификати (CIPA, ACCA, CPA) эга бўлганлар
2023 йил	1 003	121
2024 йил	1 154	151
2025 йил	1 296	170





Шунингдек, аудиторларни ёшини 2025 йил якуни бўйича таҳлил қилинганда, 19 фоизи 25 ёшдан 35 ёшгача, 37 фоизи 35 ёшдан 45 ёшгача, 20 фоизи 45 ёшдан 55 ёшгача, 17 фоизи эса 55 ёшдан юқори ёшдаги аудиторлар ташкил этади.




9-расм. Аудиторларнинг ёши бўйича тақсимланиши

Аудиторларнинг жинси бўйича тақсимланишида 2025 йил 77 фоизи эркак, 23 фоизи аёл жинсига мансуб аудиторлар хизмат кўрсатиб келмоқда (10-расм).



10-расм. Аудиторларнинг жинси бўйича тақсимланиши диаграммаси

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 2025 йилда Республика бўйича 6 428 та бўлиб, шундан 4 836 таси Тошкент шаҳрида, 1 592 таси бошқа худудларда жойлашган (11-расм).



11-расм. Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар диаграммаси






Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши йиллар кесимида асосан ишлаб чиқарадиган саноат ва улгуржи, чакана савдо ҳамда бошқа фаолият тури билан шуғулланадиган ташкилотларда ўтказилган (4-жадвал).

4-жадвал

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши

	Хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидagi улуши, фоизда			
	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар - жами	100	100	100	100
<i>шу жумладан:</i>				
тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	1,0	0,6	0,5	0,7
ишлаб чиқарадиган саноат	15,3	13,0	13,6	9,7
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш	2,1	1,4	1,5	1,5
қурилиш	8,2	6,5	6,0	5,2
ташиш ва сақлаш	1,6	2,1	1,7	1,8
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2,9	3,0	3,0	2
улгуржи ва чакана савдо;	11,6	11,0	11,2	9,3
молиявий ва суғурта фаолияти	6,1	4,3	4,9	5,1
бошқалар	51,3	58,1	57,6	64


Аудиторлик ташкилотлари томонида берилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилганда 92 фоизи ижобий аудиторлик хулосаси берилган. Қолган ҳолларда изоҳлар билан фикр билдириш ёки салбий фикр, 0,31 фоиз ҳолатда фикр билдиришни рад этиш туридаги аудиторлик хулосалари берилган (12-расм).



12-расм. Берилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича диаграммаси


Аудиторлик текширувлари бўйича берилган аудиторлик хулосаларининг корхоналар турлари бўйича таҳлиliga асосан 2025 йил якунига кўра 72 фоиз мажбурий аудиторлик текшируви, 28 фоиз ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувини ўтказган (13-расм).





13-расм. Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича аудиторлик хулосаларининг улуши

Мажбурий аудиторлик текширувидан кўпроқ улушни акциядорлик жамиятлари (12 фоиз), устав фондида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари (19 фоиз) ҳамда бошқа тижорат ташкилотлари ташкил этган (14-расм).



14-расм. Мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларга берилган аудиторлик хулосаларининг улуши

Хулоса

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, сўнгги етти йилда аудиторлик фаолиятининг қонунчилик соҳаси тизимлаштирилиши, натижада аудиторлик хизматлар бозорида ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин.

Аудиторлик хизматлар бозорини янада сифатли ривожлантириш учун аудиторлик фаолиятининг институционал, касбий ва технологик асосларини мустаҳкамлаш, аудиторлик хизматлари сифати ва ишончилигини ошириш, шунингдек, аудиторлик институтининг иқтисодиётдаги ролини янада кучайтириш лозим.

Буни амалга ошириш натижасида қуйидаги асосий натижаларга эришиш назарда тутилади:

аудиторлик хизматлари бозорининг барқарор, рақобатбардош ва мутаносиб ривожланиши;

аудиторлик хизматлари сифати, аудиторлик текширувларининг самарадорлиги ҳамда аудиторлик хулосаларининг ишончилиги ошиши;

молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва ишончилигига бўлган ишонч мустаҳкамланиши;





аудиторлик фаолиятининг корпоратив бошқарув, инвестициявий муҳит ва молиявий интизомни таъминлашдаги аҳамияти кучайиши;

аудиторлик хизматларидан бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдаланиш амалиёти кенгайиши;

аудиторлик хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳити шаклланиши, хизматлар сифатига асосланган рақобат ривожланиши ҳамда инсофсиз рақобат ва демпинг ҳолатларининг қисқариши;

аудиторлик касбининг нуфузи, жозибадорлиги ва ижтимоий аҳамияти ошиши;

аудиторларни тайёрлаш, сертификатлаш ва узлуксиз касбий таълим тизимининг халқаро талаблар асосида такомиллашиши;

аудиторларда аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш, professional judgement ва профессионал скептицизмни амалий фаолиятда самарали татбиқ этиш кўникмаларининг ривожланиши;

аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш амалиётининг кенгайиши ва уларнинг миллий амалиётга самарали интеграция қилиниши;

аудиторлик фаолиятида рақамли технологиялар, data analytics, AuditTech ва автоматлаштирилган аудит воситаларидан фойдаланиш даражасининг ошиши;

масофавий мониторинг ва хавфга асосланган таҳлил механизмларини жорий этиш орқали аудиторлик фаолиятини назорат қилиш самарадорлигининг ошиши;

аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, мониторинг қилиш ва ташқи сифат назорати тизимининг шаффофлиги ва самарадорлиги ошиши;

касбий одоб-ахлоқ қоидалари ва мустақиллик принципларига риоя этилиш даражасининг кучайиши;

аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг халқаро касбий ҳамкорликда иштирок этиш имкониятлари кенгайиши;

барқарор ривожланиш ва ESG ҳисоботлари бўйича ишонч билдириш хизматларини ривожлантириш учун зарур институционал ва касбий асослар шаклланиши;

аудиторлик институтининг иқтисодий эҳтиёжлари, халқаро тенденциялар ва замонавий бозор талабларига мослиги ҳамда барқарор ривожланиши таъминланиши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ-282-сонли “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 аперлдаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 538-сон “Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 августдаги 387-сон “Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича





давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” қарори;

8. Arens A., Elder R. & Beasley M. (2012). Auditing and Assurance Services, 14th ed., Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.

9. Cohen J.R., Krishnamoorthy G. & Wright A.M. (2008). Form versus substance: The implications for auditing practice and research of alternative perspectives on corporate governance. Auditing: A Journal of Practice & Theory, 27(2), 181-198. <https://doi.org/10.2308/aud.2008.27.2.181>.

10. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB’s, The International Federation of Accountants (IFAC), 2022.

11. Баракаев О.О. Замоновий корпоратив бошқарув тизимида аудит: назария, методология ва амалиёт: илмий монография. – Т.: 2021, – 288 б.

12. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.–Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.-612 б.

13. <http://audit.mf.uz>, <http://audit.imv.uz>.

14. <https://lex.uz>

15. <https://gov.uz/uz/imv>

